

Бундан буён “БУЮРТМАЧИ” деб аталувчи Олтинкул туман Мактабгача таълим бўлими номидан низом асосида фаолият олиб боровчи раҳбари М.Абдусаломова бир томондан ва бундан буён “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” деб аталувчи ООО VODIY MEVEL МЧЖ номидан низом асосида фаолият олиб боровчи С.Мамасолиев бошқа томондан, ушбу шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартномага асосан Буюртмачи товарни қабул қилади ва тўлайди, Етказиб берувчи эса қуйидаги шартларга мувофиқ етказиб беради:

№	Товарларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Бирлик нархи	Умумий суммаси
1	Крават 2-этажли	дона	152	1260000	191520000
2	Болалар стол стули	комплект	152	950000	144400000
3					0
4					0
5					0
6					0
7					0
8					0
9					0
10					0
11					0
12					0
13					0
14					0
15					0
16					0
17					0
18					0
19					0
20					0
21					0
22					0
23					0
24					0
25					0
26					0
27					0
28					0
29					0
30					0
31					0
32					0
33					0
34					0
35					0
жамми			304		335920000

1.2. Шартноманинг умумий суммаси: 335 920 000 (Уч юз уттиз беш миллион туккиз юз йигирма минг) сўми ташкил қилади. (Корхона ягона солиқ туловчи, ККС туловчи эмас)

2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. “Буюртмачи” мазкур шартномани ғазначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан бошлаб 15 календар куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартномани умумий суммасидан 30 % микдорида (шартнома суммасидан 30% микдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% сумми товарни олгандан сўнг 15 календар куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура асосида тўлайди.

2.2. “Етказиб берувчи” аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 15 календар куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. “Етказиб берувчи” амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. “Буюртмачи” товарларни қабул қилишда “Етказиб берувчи” иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг микдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Етказиб берувчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, **Етказиб берувчидан** транспорт харажатларини коплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартларида бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига қўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни бегараз бартарф этиш;

- **Етказиб берувчидан** мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни коплаб беришни талаб қилиш.

3.2. **Буюртмачининг** мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

- товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. **Етказиб берувчи** қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- “**Буюртмачидан**” олинган тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- **Буюртмачидан** етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни коплаб беришни талаб қилиш.

3.4. **Етказиб берувчининг** мажбуриятлари:

- **Буюртмачига** товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар товарларни етказиб бериш жараёнида **Етказиб берувчи** шартнома шартлари ва меъёрлардан ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўл қўйган ҳолларда **Буюртмачининг** талаби бўйича 30- кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни бегараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. **Буюртмачи:**

- тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;

- етказиб берувчи билан шартнома тузишни рад этиш муддатига риоя этилиши (ажратилган бюджет маблағлари камайиши ҳолатлари бундан мустасно);

- томонлар ўртасидаги шартнома мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

4.2. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг қафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўлалигини талаб қилишга ҳақлидир.

4.3. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош торганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош торган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,001 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фонзидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.4. **Етказиб берувчи:**

- тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги;

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек тақлиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртмачининг назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- Шартнома шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.6. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлик етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фонзидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

4.7. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шахардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага қўра, мустакил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини қўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита иктисодий судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар ҳўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иктисодий судида кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлиқ озод бўладилар.

6.2. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, кургоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иктисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, камал, давлат манфаатларини қўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқуллодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлар қиради.

6.3. Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома газначилик бўлиналарида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга қиради ва 2022 йил "31" декабригача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амаж қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Етказиб берувчи
Номи: «ООО VODIY MEBEL» МЧЖ
Манзили: Олтинқул туман Ижтимоят МФЙ 1
Тел:
X/P: 20208000705382963001
ХАМКОР БАНК НОДИРАБЕГИМ филиали
МФО: 00079 ИНН. 308445974
Рахбар:  С.Мамасолиев

Буюртмачи
Номи: Олтинқўл туман мактабгача таълим бўлими
Манзили: Олтинқўл туман Иттифок мах.
Тел:
Ш/х: 100022860032027091100251023
Ш/х: 400522860032027091100251027
Ш/х: 400722860032027091100251027
ИНН: 305154761 ОКОНХ:85100
Банк номи: Тошкент ш., Марказий банкнинг
Тошкент ш.ХККМ
ИНН: 201122919 МФО: 00014
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилиги
Газна х/в: 23402000300100001010
Рахбар:  М.Абдусаломова

ЮРИСТ: _____
(имзо)

_____ (ФИШ)

_____ (сана)

**ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҚОНУН
ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТЎҒРИСИДА
ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА**

№ 0054104303

1. Loyiҳaning turi: Shartnoma
2. Loyiҳaning nomi: “Mahsulot yetkazib berish shartnomasi”

“Buyurtmachi” Oltinko‘l tuman Maktabgacha ta‘lim va “Ijrochi” “Vodiy mebel” MChJ o‘rtalarida 335 920 000 so‘mlik bolalar stol-stuli va krovat mahsulotlarini yetkazib berish to‘g‘risidagi shartnomasi loyiҳasi kiritilgan.

3. Loyiҳa ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma‘lumot:

Oltinko‘l tumani Maktabgacha ta‘lim bo‘limi. 21.06.2022 yil.

Loyiҳa amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Oltinko‘l tuman Yuridik xizmat
ko‘rsatish markazi bosh yuriskonsulti**



G.Begmurodova

23.06.2022 yil